



# БИТИРУВ МАПАКАВИЙ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСУЛМОНЛАР ИДОРАСИ  
УРГАНЧ ШАХАР ИМОМ ФАХРИДДИН АР-РОЗНИЙ  
ЎРТА МАХСУС ВИЛИМ ЮРТИ

Рўйхатга олинди

“Тасдиқланди”

№ \_\_\_\_\_

Урганч Давлат университети  
ректори

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 й.

Б.И.Абдуллаев  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 й.

ЎРТА МАХСУС ВИЛИМ ЮРТИ  
ВИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ  
БАЖАРИШ БЎЙИЧА

УСЛУВИЙ КЎРСАТМА

“Қуванчбек-Машхура” МЧЖ нашриёти  
Урганч – 2020 йил

ЎЎК 001.89  
КБК 72  
Б-73

Битирув малякавий ишларни бажариш [Матн] : услубий кўрсатма / тузувчилар:  
Д.Абдикалидов, М.Гулманов. - Урганч : "Куванчбек-Машхура" МЧЖ  
нашриёти, 2020. - 28 б.

Услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон  
Республикасининг "Тарлим тўрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва "Қадрлар тайёрлаш  
милиий даётури тўрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунарига мувофиқ ўрта махсус,  
каб-хунар таълими муассасалари битирувчи ўқувчиларининг яқиний давлат  
аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди. Шунингдек  
Ўзбекистон Республикаси Мухулмонлар Идораси 2020 йил 6 майдаги 01/А/61-  
сонли буйруғи билан белгиланган.

#### Тузувчилар:

Ўзбекистон Республикаси Мухулмонлар Идораси Хузурдаги

Урганч шаҳар имом Фаҳриддин Ар-Розий

ўрта махсус билим юрти директори

"Меҳмонхона хўжалигини бошқариш"

кафедраси доценти:

Д.О.Абдикалидов

и.ф.н.М.А.Гулманов

#### Тақризчилар:

Абдуллаев И.С. – УрДУ "Туризм ва иқтисодиёт" факультети

декани, "Иқтисодиёт" кафедраси профессори,

иқтисодиёт фанлари доктори;

Ўразбоев А.Д. – Урганч Давлат университети "Ўзбек

тильносилити" кафедраси профессори, филология  
фанлари доктори;

**Мазкур услубий кўрсатма УрДУ ўқув, илмий-услубий Кенгашининг  
2020 йил 2 июлдаги «5»-сонли мажлис баённомаси билан маъқуланган.**

ISBN 978-9943-6417-0-9

© Тузувчилар: Д.Абдикалидов, М.Гулманов. "Битирув малякавий ишларни бажариш"

© "Куванчбек-Машхура" МЧЖ нашриёти, 2020 й.

## МУНДАРИЖА

Қирриш .....	4
I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	5
II. ЯҚУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ СИНОВЛАРИ .....	6
III. ДАҚ ТАРҚИБИ .....	7
Яқуний аттестацияни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий қоидалари .....	9
Қаблар буйича амалий имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш .....	11
МАЛЯКАВИЙ ИШ ХИМОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ .....	13



таълим муассасасини тугатганлиги тўғрисида ўқувчида давлат намунасидаги диплом бериш масаласини Хал этиш.

5. ДАК-ўз фаолиятини мазкур Низом ва ўқувчиларнинг тайёрлик даражаси ҳамда таълим мазмунига кўйилган Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга йўналтирилган бошқа қонун ҳужжатларида таянган ҳолда олиб боради.

6. Таълим дастурларини тўлик ўзлаштирган ўқувчилар, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тахсил олаётган Ўзбекистон Республикасида иштикомат килувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар якуний аттестациядан ўтишлари мажбурий.

## II. ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ СИНОВЛАРИ

7. Якуний аттестация кўйидаги кўринишдаги аттестация синовларидан иборат:

давлат имтихонларини топшириш;

биттирув малакавий ишни химоя қилиш.

8. Академик лицейларда давлат имтихонлари ўқув режасидаги Ўзбекистон тарихи фани ва чуқурлаштирилган фанлар бўйича ўтказиладиган имтихонлардан иборат.

9. Касб-хунар коллежларида давлат имтихонлари ўқув режасидаги Ўзбекистон тарихи фани, касблар бўйича амалий имтихонлар, малакавий иш химояси ёки унинг ўрнига касбий фанлар мажмуалари бўйича имтихонлардан иборат.

Бунда малакавий иш химояси ўрнига касбий фанлар мажмуалари бўйича давлат имтихонларини топширишга тавсия этиладиган касблар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилган) томонидан тасарруфида касб-хунар коллежлари бўлган тегишли вазирлик ва илоралар билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Касб-хунар коллежлари ўқувчилари малакавий иш химояси ўрнига касбий фанлар мажмуалари бўйича давлат имтихонларини топширишни танлаш ҳуқуқига эга.

10. Академик лицейларда муайян мутахассислик (таълим йўналиши) бўйича якуний аттестация синовларининг таркибий қисмлари ва уларни ўтказиш муддати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режасига мувофиқ белгиланади.

Касб-хунар коллежларида муайян мутахассислик (таълим йўналиши) бўйича якуний аттестация синовларининг таркибий қисмлари ва уларни ўтказиш муддати Касб-хунар таълими маркази томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режасига мувофиқ белгиланади.

11. Давлат имтихонларини ўтказиш ва малакавий ишни химоя қилиш жадвали таълим муассасаси директори томонидан якуний аттестация бошланишидан камидан ўттиз кун олдин тасдиқланади.

12. Давлат имтихонларининг намунавий савол ва топшириқлари мазмунини, ҳажми ва мурраккаблик даражаси тегишли фаннинг давлат таълим стандарти (тармок таълим стандарти)га мувофиқ ўқув дастурини назарда тутилган материалларнинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши шарт.

## III. ДАК ТАРҚИБИ

13. ДАК аъзолари таркиби 7 ёки 9 кишидан иборат бўлиб, унинг учдан икки қисми катнашганда якуний аттестация ваколатли ҳисобланади.

14. Академик лицейларда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тўрдош ва мазкур таълим муассасасининг тажрибали, малакали ўқитувчилари таркибидан ДАК шакллантирилади.

Академик лицейларда ДАК аъзолари таркибининг камидан ўттиз фозини олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда

турдош таълим муассасасининг вакиллари ташкил этиши лозим.

15. Касб-хунар коллежларида иш берувчи ташкилотларнинг мутахассислари, турдош олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, вазирик ва идорадагларнинг соҳа мутахассислари ҳамда турдош касб-хунар коллежлари ва мазкур таълим муассасасининг тажрибали, маънавли махсус фан ўқитувчилари таркибидан ДАК шакллантирилади.

Касб-хунар коллежларининг махсус фан ўқитувчилари **ишлаб чиқариш** таълими бўйича директор ўринбосарининг тавсияси асосида ДАК аъзолари таркибига киритилади.

Касб-хунар коллежларида ДАК аъзолари таркибининг камиди кирк фойзини иш берувчи ташкилотларнинг вакиллари ташкил этиши лозим.

Маданият, санъат, мусика коллежларида ДАК аъзолари таркибининг камиди йигирма фойзини иш берувчи ташкилотлар, шунингдек турдош олий таълим муассасаси вакиллари ташкил этиши лозим.

16. Яқиний аттестация жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирадлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштрок этишлари мумкин.

17. Яқиний аттестацияда васийлик кенгаши, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ота-оналар вакиллари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

18. ДАК аъзолари таркиби таълим муассасаси директорининг вазирик ва идорадаглар, тегишли олий таълим муассасалари, иш берувчи ташкилотлар ва турдош таълим муассасалари раҳбарларига йўлланган ёзма мурожаатларига уларнинг юборган розилик хати асосида яқиний аттестация бошланishiдан камиди кирк беш кун олдин шакллантирилади.

19. ДАК раиси яқиний аттестация бошланishiдан камиди икки ҳафта олдин бир йил (календарь йили) муддатга худудий касб-хунар таълими бошқармаси бошлигининг (вазирик, идора ёки олий таълим муассасалари

тасарруфидаги ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари учун шу вазирик, идора ёки олий таълим муассасаси раҳбарининг), ДАК аъзолари esa, таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

20. ДАК раиси академик лицейларда таъин олий таълим муассасаси ректори билан келишилган ҳолда мазкур олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари таркибидан ва касб-хунар коллежларида иш берувчи ташкилотлар, шунингдек, турдош олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари вакиллари таркибидан танланади.

21. Бир киши кетма-кет бир таълим муассасасида тегишли йўналиш (мутахассислик) бўйича икки мартадан ортик ДАК раиси бўлиши мумкин эмас.

22. Таълим муассасасининг директори ёки унинг ўринбосарлари (хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосаридан ташқари) ДАК раиси ўринбосари ҳисобланади.

23. ДАК раиси комиссия фаолиятини ташкиллаштирилади, назорат қилади, унинг хулоса ва қарорларини имзолайди ҳамда ўқувчиларга қўйилган талабларнинг бир хиллигини таъминлайди.

ДАК раиси ўринбосари яқиний аттестацияни ўз вақтида сифатли ўтказишга ҳамда ДАКнинг ишлари учун зарур шароитларни яратишга масъул ҳисобланади.

24. ДАК ҳар йили яқиний аттестацияни ўтказишга тайёрлик кўриш ва ўтказиш давридан бошлаб кейинги ўқув йили бошланishiга қадар фаолият кўрсатади.

#### **Яқиний аттестацияни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий қондалари**

25. Ўқув режа ва дастурларининг барча талабларини тўлиқ бажарган ўқувчи таълим муассасаси директорининг буйруғига асосан яқиний аттестацияга қўйилади.

26. Якуний аттестацияда ижобий баҳо олган ўқувчига белгиланган тартибда ўрта махус. касб-хунар таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилди.

27. Ўқув режасида назарда тутилган фанлардан якуний баҳоларининг камида 86 фоизи "аъло" ва коглан фанлардан "яхши" бўлган, якуний аттестация синовларидан "аъло" баҳолар олган, намунадаги хулоса эга бўлган ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этган ўқувчиларга имтиёзли диплом берилди.

28. Якуний аттестация синовларининг бирортасидан "коникарсиз" баҳо олган ёки унга уэрли сабаб билан келмаган ўқувчи бошқа синовлар (давлат имтихонлари)ни топириш хукукидан махрум этилмайди.

29. Ўрта махус. касб-хунар таълим муассасасининг белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқишнинг таълим дастурини бажарган, бирок якуний аттестациясида иштирок этмаган ёки ундан ўтмаган ўқувчилар Педагогик кенгаш карори асосида ДАК фаолият кўрсатаётган даврда 3 йил мобайнида якуний аттестацияни кайта топириш хукукига эга.

30. Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 367-сонли карори (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ўрта махус. касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишнинг кўчириш, кайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ 3 йил мобайнида якуний аттестацияни топирмаган ўқувчилар 3-босқичда кайта ўқиш учун ариза беришлари мумкин.

3-босқичда кайта ўқиш учун ариза бермаган ўқувчига ўрта махус. касб-хунар таълим муассасасининг тўлиқ курсини тамомлаганлиги тўғрисида академик мардумотнома берилди. Мазкур мардумотномада семестр кесимида ўқув режасида белгиланган фанларга мос ўқув юктамаси миқдори (соатда), ўқувчининг фанлар ва амалиётлардан тўлган рейтинг бадллари, якуний аттестация синовлари натижалари, ўқувчилар сафидан четлаштириш сабаби

(буёрук раками ва санаси), шунингдек мардумотномининг кайд этилган раками ва берилган санаси кўрсатилиши ҳамда у таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланиши лозим.

#### **Касблар бўйича амалий имтихонларни ташкил этиш ва ўтказиш**

31. Касблар бўйича амалий имтихонлар касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг эгдлаган касб-хунари бўйича малака ва кўникмаларининг шакллантилиши ҳамда касбий тайёртарлик даражаси (тартиф разряди)ни аниқлайди.

32. Касблар бўйича амалий имтихонлар ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш амалиётлари тўтагандан ҳамда Ўзбекистон тарихи фани бўйича давлат имтихони топирилганидан сўнг малакавий иш химоясидан ёки касбий фанлар мажмуалари бўйича давлат имтихонларидан олдин ўтказилди.

Ўқув режасига мувофиқ якуний аттестацияни ўтказишга ажратилган икки хайтанинг биринчи хайтасида Ўзбекистон тарихи фани ва касблар бўйича амалий имтихон, иккинчи хайтасида малакавий иш химояси ёки касбий фанлар мажмуалари бўйича давлат имтихонлари режалаштирилди.

Касблар бўйича амалий имтихон билан малакавий иш химояси ёки касбий фанлар мажмуалари бўйича давлат имтихонлари оралигида ўқувчининг тайёртарлик кўриши учун камида уч кун вақт ажратилиши лозим.

33. Касблар бўйича амалий имтихонларни ўтказиш шакли, бериладиган топириқлар мазмунни эгдлаганаётган касбнинг хусусияти ва касбий фаолиятнинг мазмунига оид кўрсаткичлардан келиб чиқиб белгиланади.

34. Касблар бўйича амалий имтихонлар таълим муассасасининг ўқув устaxonаси, лабораторияси ёки ишлаб чиқариш корхоналари (технологик жараёнлар билан боғлиқ йўналишлар бўйича) базасида ташкил этилади.

35. Касблар бўйича амалий имтихон топириқларининг вариантлари иш берувчи ташкилотлар мутахассислари, касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, бош уста, махус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усташлари томонидан комплекс

ишлар кўринишида танланган ҳамда касблар бўйича амалий имтиҳон топшириқларини бажаришга керак бўладиган ҳам ашё материаллари, қизмадар, технологик харита, ўлчаш ва кесиш асбоб-ускуналари рўйхати аниқланган.

Касблар бўйича амалий имтиҳон топшириқлари йўналишининг тармоқ таълим стандарти талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

36. Амалий имтиҳон топшириқларини бажариш учун кетадиган вақт меъёри ҳар бир касбнинг мураккаблиги ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

37. Касблар бўйича амалий имтиҳонларни муваффақиятли ўтказиш учун таълим муассасаси иш ўринларини керакли жиҳозлар, ўлчов асбоб-ускуналари, техник хужжатлар ҳамда ҳам ашё материаллари билан таъминлайди.

38. Касблар бўйича амалий имтиҳонлар бошланишидан олдин ДАК абзозларидан бири ўқувчиларни топшириқлар мазмунини, техник шартлар, баҳолаш мезони, вақт меъёри ва хавфсизлик техникаси қоидалари билан таништиради.

Топшириқларни бажариш жараёнида операцияларнинг бажарилиши кетма-кетлигини ҳар бир ўқувчи ўзи мустақил аниқлайди.

39. ДАКнинг касблар бўйича амалий имтиҳон ҳулосаси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада касблар бўйича амалий имтиҳоннинг натижалари умумлаштирилади, касбий амалий имтиҳон натижалари бўйича касбий тайёрларлик даражаси (тариф разряд)ни бериш тўғрисидаги қарор ва имтиҳонни ўтказиш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар қайд этилади.

Баённома ДАК раиси, абзозлари ва котиби томонидан имзоланади.

40. Касблар бўйича амалий имтиҳонларни ўтказиш учун талаб этиладиган харajatлар таълим муассасасининг тасдиқланган харajatлар сметасида ушбу мақсадларга ажратилган маблағлари доирасида амалга оширилади.

41. Касблар бўйича амалий имтиҳонларнинг харajatлари иш беришни ташкилотлар, васий ва ҳомийлар ёки таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

42. Таълим муассасасининг ҳисобхона бўлими касблар бўйича амалий имтиҳонларни ўтказиш учун ҳам ашёга талаб этиладиган сарф-харajatларни ўқув ишлари ва ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари билан биргаликда ўрнатилган тартибда амалга оширади.

#### **МАЛАКАВИЙ ИШ ХИМОЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА**

##### **ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

43. Малакавий иш химояси касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан топшириладиган якуний аттестация синови ҳисобланади.

44. Малакавий иш мавзулари ўқувчиларга III курс бошланганидан сўнг уч ой давомида тақсимот қилинади.

45. Малакавий иш ўқувчилар томонидан тайёрланган турли буюм, қурилма (жиҳоз, макет ва шу қабилар), жараён ва ҳодисаларнинг физик, механик, кимёвий хусусият ёки ҳоссаларини ўрганишга имкон беришни асбоб-ускуналар ва электрон асбоблар мажмуаси кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

46. Малакавий ишни ташкил этиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарни зиммасига юклатилади.

47. Малакавий иш мониторинги бўлим (кафедра) мудирлари ҳамда малакавий иш раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

48. Малакавий иш мавзулари касб-ҳунар коллежининг махус фан ўқитувчилари ҳамда иш беришни ташкилотлар мутахассислари билан биргаликда тузилиб, бўлим (кафедра) йиғилишларида кўриб чиқилади.

Малакавий иш мавзулари рўйхати ва уларнинг ўқувчилар орасидаги тақсимоли касб-ҳунар коллежи (билим юрти)нинг илмий-педагогик кенгаши томонидан тасдиқланади.

Малакавий иш мавзулари ҳар ўқув йилида қайта кўриб чиқилади.



49. Малакавий ишнинг тузилмаси куйидагилардан таркиб топади:

**Титул варағи:(1-илва)**

**Мундарижа: (2-илва)**

**кириш** (мавзунинг моҳияти, долзарблиги, мақсаднинг куйилиши); **(5-илва)**

**назарий қисм** (малакавий ишнинг бу қисмида режата бинон мантқиқий кетма-кетликда мавзунинг мазмуни таҳминан **2 ёки 3 боб**да ёритиладиги асосий тушунча, далил, тамойил, категория ва улар орасидаги боғланишлар, ишлаб чиқариш технологиясининг назарий асослари ва шу кабилар);

**хулоса** (малакавий иш натижаларини умумлаштириш, киёсий баҳолаш, муаммони ҳал этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар);

**фойдаланилган адабётлар рўйхати** (раҳбарий ва илмий адабётлар, мавзуга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари рўйхати ҳамда интернет маълумотлари); **(3-илва)**

**илва** (фотосуратлар, ишчи ва бошқа хужжатлар, ёрдамчи маълумотлар, жадваллар, чизмалар, графикалар ва слайдлар).

50. Малакавий иш раҳбарининг асосий вазифаларига куйидагилар қиради:

малакавий иш мавзуси бўйича индивидуал топшириқларни ишлаб чиқиш;

малакавий ишнинг мазмуни ва бажариш кетма-кетлиги бўйича маслаҳатлар бериш;

мавзуга мос адабётлар танлаш ва уларни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларга амалий ёрдамлар кўрсатиш;

малакавий ишнинг бажарилиш таквим режасини ишлаб чиқиш ва ўқувчи томонидан унинг мустақил бажарилишини назорат қилиш;

малакавий ишга хулоса тайёрлаш;

тақризни мувофиқлаштириш;

малакавий иш ҳимоясида иштирок этиш.

51. Малакавий иш раҳбари ўқувчи бажарган малакавий ишнинг мазмуни, сифати ҳамда олинган натижалар ва мавжуд маълумотларнинг тўғрилиги учун масъул ҳисобланади.

52. Малакавий иш раҳбарининг тақлифига бинон ишнинг айрим бўлимлари бўйича касб-ҳунар коллежининг ўқитувчилари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, иш беврвчи ташкилотларнинг мутахассислари маслаҳатчилар сифатида жалб этилиши мумкин.

53. Малакавий ишни расмийлаштиришга куйидаги талаблар куйилади:

малакавий ишнинг матни 210 х 297 мм ўлчамдаги А-4 форматдаги ёзув қозонининг бир томонига ёзилган, кўл ёзма шаклида 60 бетдан (маданият ва спорт ҳамда санъат йўналишларида 25 бетдан) ва компьютер ёрдамида 30 бетдан (маданият ва спорт ҳамда санъат йўналишларида 10 бетдан) кам бўлмаган ҳажмда тайёрланади. Компьютерда Times New Roman номи 14 ўлчамли шрифтда, 1.5 интервалда ёзилиши лозим. Ҳар бир бет хошпояси юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1.5 см бўлиши, ҳаттоли беш-олти белгита тенг ва бир хилда бўлиши лозим;

малакавий ишнинг титул варағидан ташқари барча варақлари рақамланади;

малакавий ишнинг график, чизмалар қисми кўлда ёки маҳсус дастурлар ёрдамида компьютерда А1 ёки А3 форматда бажарилади;

малакавий иш учун зарур бўлган формула ёки расмлар қайси маъбадан олинганлиги кўрсатилади;

тушунтирув ёзуви бўлим ёки кичик бўлимларга бўлинади. Ҳар бир бўлим алоҳида саҳифадан бошланади ва алоҳида тартиб рақамга эга бўлади. Масалан: 1, 2, 3, ...; ҳар бир кичик бўлим эса куйидагича белгиланади: 2.1, 3.2, 4.2, ...; сарлавҳалар симметрия равишда ёзилади. Сарлавҳа ва матн орасидаги масофа 3-4 интервал бўлиши лозим;

фойдаланилган адабётлар тўғрисида муаллифнинг исм-фамилияси, адабётнинг номи, каярда ва қачон чоп этилганлиги, даврий нашрдан

фойдаланилган тақдирда, фойдаланилган газета (журнал) номи ва санаси ёзилди;

малакавий ишда келтирилган расм, жалвал ҳамда чизма (схема)ларнинг барчаси кетма-кет рақамланади.

54. Малакавий иш тўлиқ бажарилгач, 1 нусхада муқоваланади.

55. Тарлим муассасасининг ишлаб чиқариш тарлими бўйича директор ўринбосари малакавий ишга малакавий иш раҳбари тақриздан ташқари ҳолис томон тақризининг ҳам олингишини таъминлайди. Ҳолис тақриз малакавий иш мавзўга алоқадор ташкилотларнинг мутахассисларидан ёки мазкур тарлим муассасасининг умумжақобий ёки махсус фан ўқитувчиси томонидан олинди.

56. Тақриз асосан кўйидагиларни ўз ичига олади:

малакавий иш мазмунининг берилган мавзўга мослиги тўғрисида хулоса;

малакавий ишдаги ҳар бир бўлимнинг бажарилгиш мазмуни ва сифатига берилган баҳо;

кўйилган масалаларнинг ечилиш даражасини, ишнинг назарий ва амалий қийматини баҳолаш;

тақдим этилган малакавий ишнинг талаб даражасида расмийлаштириш даражасини баҳолаш.

57. Тақризнинг мазмуни билан ўқувчи малакавий иш химоясидан камиди 3 кун аввал таништирилиши керак.

58. Тарлим муассасаси раҳбарияти томонидан малакавий иш химоясидан олдин ДАКга кўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тармок тарлим стандарти;

яқуний аттестацияни ўтказишга оид қонун ҳужжатлари;

ўқувчиларнинг яқуний аттестацияга руҳсат этилганлиги тўғрисидаги тарлим муассасаси директорининг буйруғи;

ўқувчига берилган касбий тайёрларлик даражаси (таъриф разряди);

ўқув режасига киритилган барча фанларни ўқувчининг ўзлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

ўқувчининг рейтинг дафтареаси;

ДАКнинг мажлислар баёни китоби.

59. Малакавий иш химояси ўқув режасида белгиланган яқуний аттестация учун ажратилган икки ҳафта давомида касблар бўйича амалий имтиҳондан сўнг ўтказилади.

60. Малакавий иш химоясида ҳар бир ўқувчига ўзининг ишнинг тақдимот қилиши учун 15 - 20 дақика вақт ажратилади, тақдимот тугатгандан сўнг малакавий ишга берилган хулоса ва тақризлар ўқиб эшиттирилади.

61. Малакавий иш химоясини баҳолаш ДАК томонидан тасдиқланган мезонлар асосида амалга оширилади.

Яқуний баҳони белгилашда баҳолаш варақасида кўйидагилар ҳисобга олинди:

мавзўнинг долзарблги;

малакавий ишнинг сифати ва расмийлаштирилиши;

ўқувчининг малакавий иш (лойиха) бўйича тақдимоти;

ўқувчининг берилган саволларга жавоби;

ўқувчининг назарий ва амалий жиҳатдан тайёрларлиги;

малакавий иш раҳбарининг хулосаси;

тақризнинг баҳоси.

62. Малакавий иш химоясининг баҳоси ДАКнинг мажлисида очик овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан ҳал этилади. Бунда, ўқувчининг касблар бўйича амалий имтиҳон ва малакавий иш химоясидан олган натижалари ҳисобга олинди (овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, натижа ўқувчининг фойдасига ҳал этилади).

63. ДАКнинг яқуний кенгаш қарориди ўқувчига берилган касбий тайёрларлик даражаси (таъриф разряди)ни тасдиқлаш, тегишли касбларни

етиллагани ҳамда касб-хунар коллежини тамомлагани тўғрисида давлат намунасидаги дипломини бериш бўйича ҳулюслар ажс эттирилади.

ДАКнинг қарори ўқувчининг таълим муассасасини тугатганиги ёки уни ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги буйруғига асос бўлади.

64. Яқуний аттестация синовлари бўйича тузилган ҳисоботлар ва малякавий ишлар, таълим муассасаси архивида 4 йил давомида сақланади.

Белгиланган муддат тугатгандан сўнг таълим муассасаси директорининг буйруғи бўйича ташкил этилган комиссия мажлиси қарорига кўра малякавий ишлар ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

### ЯҚУНИЙ ҚОНДАЛАР

65. Яқуний аттестация синовларида олган баҳога эътироз билдирган ўқувчиларнинг аризасини кўриб чиқиш учун таълим муассасаси директори буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади. Мазкур буйруқ билан апелляция комиссиясининг таркиби, ишлаш тартиби ва ваколатлари расмийлаштирилади ҳамда яқуний аттестация бошланғичидан қамда икки ҳафта олдин ўқувчилар эътиборига етказилади.

66. Яқуний аттестация синовлари жараёнида кўйилган баҳодан норози бўлган ўқувчи фақат яқуний аттестация баҳолари эълон қилинган пайтда апелляция комиссиясига ёзма мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Апелляция комиссияси шу куннинг ўзида бевосита жойида аризачининг мурожаатини ҳал этади ва тегишли қарор қабул қилади. Бошқа кунлари ўқувчи томонидан билдирилган эътироз ва шикоятлар кўриб чиқилмайди.

67. Таълим муассасаси илмий-педагогик кенгашига ДАК раиси тахлилий ҳисобот тақдим этади.

68. Ушбу Низом идоравий бўйсунингидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасидаги барча ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига таъбиқ этилади.

69. Мазкур Низомда кўзда тутилган барча тадбирларни амалга ошириш учун талаб этилган харажатлар ўрта махсус, касб-хунар таълим

муассасаларининг тасдиқланган харажатлар сметасида ушбу мақсадларга ажратилган маблаглари доирасида ҳамда боджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан амалга оширилади.

70. Мазкур Низомда белгиланган маъналар бўйича низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

**O'ZBEKISTON MUSULMONLARI IDORASI HUZURIDAGI  
IMOM FAXRIDDIN AR-ROZIY O'RTA MAXSUS**

**ISLOM BILIM YURTI**

“Himoyaga ruxsat etildi”

\_\_\_ o'quv va ilmiy ishlar bo'yicha

mudir o'rinbosari I. Babanazarov

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020-yil

**Hikmatullayev Rahmatulloh Nurilla o'g'li**

Mavzu: *Zamonaviy fiqhiy masalalarda islom moliyasining tutgan o'rni*

*muvasasidagi*

**BITIRUV MALAKAVIY ISHI**

Ta'lim yo'nalishi: Dinshunoslik

Ilmiy rahbar: o'qit. Sabirov M.

Taqrizchi: o'qit. Abdusharipov M.

“Quvanchbek-Mashxura” MCHJ nashriyoti  
Urganch – 2020 yil

**MUNDARIJA**

Kiritish.....	2
<b>I-Bob. Islom moliyasining nazariy asoslari, fiqhiy qoidalar va ahamiyati.....</b>	<b>5</b>
1.1. Islom moliyasining asoslari va rivojlanishi.....	5
1.2. Islom moliyasiga oid fiqhiy qoidalar va shariatning maqsadlari.....	8
1.3. Shartnoma – islom moliyasining asosi.....	18
<b>II-Bob. Islom moliyasida sherikchilikka asoslangan korxonani boshqarish yo'llari hamda turli xil savdo turlari.....</b>	<b>25</b>
2.1. Mushoraka – sherikchilikka asoslangan korxonani boshqarish yo'llari.....	25
2.2. Murobaha savdo turi.....	31
2.3. Mudoroba savdo turi.....	41
<b>III-Bob. Vositachilik, garov va ribo masalalari tahlili.....</b>	<b>43</b>
3.1. Vositachilik: asosiy qoidalar va cheklovlar.....	43
3.2. Garov va unga bog'liq masalalar.....	45
3.3. Ribo va unga bog'liq masalalar.....	49
Xulosa.....	55
Foydalanilgan adabiyotlar.....	58

Foydalanilgan manba va adabiyotlarni keltirish

TARTIBI

**Foydalanilgan manba adabiyotlar ro'yxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Qonunlari
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonlari
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi qarorlari
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti asarlari
5. Xorijiy manba va adabiyotlar
6. Darsliklar
  - 6.1. O'zbekiston Respublikasida chop etilgan
  - 6.2. Rossiyada chop etilgan
  - 6.3. Boshqa xorijiy davlatlarda chop etilgan
7. O'quv qo'llanmalar
  - 7.1. O'zbekiston Respublikasida chop etilgan
  - 7.2. Rossiyada chop etilgan
  - 7.3. Boshqa xorijiy davlatlarda chop etilgan
8. Ilmiy monografiya, maqolalar va boshqa asarlar
  - 8.1. O'zbekiston Respublikasida chop etilgan
  - 8.2. Rossiyada chop etilgan
  - 8.3. Boshqa xorijiy davlatlarda chop etilgan
9. Doktorlik, nomzodlik va magistrlik dissertatsiyalari
  - 9.1. O'zbekiston Respublikasida chop etilgan
  - 9.2. Rossiyada chop etilgan
  - 9.3. Boshqa xorijiy davlatlarda chop etilgan
10. Ilmiy-amaliy anjumanlar ma'ruzalari to'plamlari
  11. Gazeta va jurnallar
  12. Statistik ma'lumotlar to'plami
  13. INTERNET saytlari
  14. Virtual kutubxona elektron darsliklar va o'quv qo'llanmalar
  15. Bitiruv malakaviy ishlari (bakalavriat uchun)

Adabiyotlar ro'yxatini tuzish va iqtibos (snoska) keltirish, foydalanilgan

**manbalar bibliografik tavsifini shakllantirish**

**QOIDALARI**

1. Ro'yxatda kitoblar ko'rsatilganda quyidagi tartibga amal qilish zarur: muallifning familiyasi, ismi-sharif, nuqta alomati, adabiyotning nomi, nuqta, nashr qilingan shahar, ikki nuqta, nashriyot, nuqta, nashr qilingan yil, nuqta, kitobning umumiy sahifasi. Iqtibos keltirganda esa aynan o'sha bet ko'rsatiladi. Masalan:
 

Salomov G.: Tarjima nazariyasiga kirish. - Toshkent: O'qituvchi, 1978.-219 b.

G'aybulloh as-Salom. E'zgulikka chog'lan, odamzod. - Toshkent: Sharq., 1997. -B. 45.
2. Jurnal va to'plamlarda e'lon qilingan maqolalarga havola qilinganda: maqola muallifining familiyasi va ismi-sharif, nuqta, maqolaning to'liq nomi, parallel ishorasi, jurnal, to'plam nomi qo'shimqisiz holda (nuqta), shahar (ikki nuqta), nashriyot (nuqta), (yil), (nuqta, tire), jild soni (nuqta, tire), maqola bosilgan sahifa soni. Masalan:
 

Ivanov S.N. Alisher Navoiyning "Lisonut-tayr" dostoni (tarjimaning asl nusxasini sharhlash tajribasi) // Tarjima san'ati. - Toshkent: Adabiyot va san'at nashriyoti, 1978. -B. 195-220.
3. Avtoreferatlarga havola qilinganda: dissertantning familiyasi, ismi-sharif (nuqta), tadqiqot nomi. Ilmiy daraja avtoreferati ko'rsatgichi (vergul), shahar, yil. Masalan:
 

Baqoeva M.O. Angliya. AQSh adabiyotidan o'zbek tiliga she'riy tarjima va qiyosiy she'rshunoslik muammolari. Fil.f.doktori diss. ... avtoref. - Toshkent, 2005.

## Kiritish

**Mavzuning asoslanishi va uning dolzarbligi.** O'zbekiston bo'y ma'naviy merosni tiklash, kelajagi buyuk bo'lgan davlat qurish yo'lidan bormoqda. Ilim izlanish jihatidan ham o'z olimlari va tadqiqotchilariga katta imkoniyatlar yaratib bermoqda.

Mamlakatimiz bank-moliya tizimida amalga oshirilayotgan jadal islohotlar iqtidorat banklari kapitallashuv darajasini oshirish, moliyaviy barqarorligini ta'minlash, iqtisodiyotning real sektorini kreditlash ko'lamini kengaytirish, bank xizmatlari sifatini yanada yaxshilash va ayniqsa, banklarning rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqish, amaliyotga joriy etish va uning nazorat tizimini takomillashtirishni taqozo etmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida", 2017-yil 2-sentyabrdagi PF-5177-son "Valyuta siyosatini liberalashirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmonlari, 2017-yil 12-sentyabrdagi PQ-3270-son "Respublika bank tizimini yanada rivojlantirish va barqarorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori hamda mazkur faoliyatga tegishli me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga mazkur bitiruv malakaviy ishiga asos bo'lib xizmat qiladi.

Ushbu vazifalar Respublikamiz islom moliyasi faoliyatini rivojlantirish strategiyasini takomillashirishga qaratilgan ilmiy taklif va amaliy tavsiyalarni nazariy jihatdan o'rganish mavzuning dolzarbligini belgilab beradi.

**Mavzuning o'rganilganlik darajasi** Zamomaviy fiqhiviy masalalarda islom moliyasining tutgan o'limi katta. Bugungi kunda islom iqtisodiyoti yoki islom iqtisodiy modeli nafaqat olim va talabalar, balki tadbirkorlar uchun ham qiziqarlidir.

<sup>1</sup> Yubekiston Respublikasini Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son Farmoni. Yubekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida // Yubekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida // Yubekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida. - Toshkent, 2017. - № 6 (766) - 32-33-b.

Islom iqtisodiyoti rivojlanishiga ulkan hissa qo'shgan islom ulamolari va olimlarning izlanishlari mavjud. Islom moliyasini shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari Bekkin P.И.<sup>2</sup>, Ибатов Э. С., Шмырева А. И.<sup>3</sup>, Трунин П.В. и др.<sup>4</sup>, М.Тарибеков<sup>5</sup>, Н.С.Ахтямов<sup>6</sup>, М.Т.Usmani<sup>7</sup>, va boshqalarning ilmiy tadqiqotlarida e'tibor qaratilgan.

**Bitiruv malakaviy ishining maqsadi.** Islom bank tizimi, islom moliyasi siyosati va banklarda uni amalga oshirishdagi rolini nazariy jihatdan o'rganish hisoblanadi.

**Bitiruv malakaviy ishining vazifalari:**

- Islom moliyasining asoslari va rivojlanishi;
- Islom moliyasiga oid fiqhiviy qoidalar va shariatning maqsadlari;
- Islom moliyasidagi turli xil savdo turlari;
- Vositachilik, garov va ribo masalalari va ahamiyatini nazariy jihatdan o'rganishdan iborat.

**Bitiruv malakaviy ishi ob'ekti.** Islom moliya tizimi hamda pul kredit siyosati amaliyoti hisoblanadi.

**Bitiruv malakaviy ishi predmetini** Islom moliyasi siyosatini rivojlantirish strategiyasini takomillashirish bilan bog'liq tashkiliy, ijtimoiy va iqtisodiy munosabatlar tashkil etadi.

**Bitiruv malakaviy ishi usullari.** Bitiruv malakaviy ishini yozish jarayonida guruhlash, taqqoslash, tizimli tahlil usullaridan foydalanilgan.

**Bitiruv malakaviy ishining hajmi va tuzilishi.** Bitiruv malakaviy ishi tarkibi kiritish, uchta bob, xulosa, foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatidan iborat. Bitiruv malakaviy ishi hajmi 64 betni tashkil etgan.

<sup>2</sup> Ислом ва иқтисодий молини ва замон. Тошкент: О'zbekiston НМНУ, 2019.

<sup>3</sup> Некоторые аспекты деятельности исламских банков (рус.) // Иден и идеалы. Журнал. — 2013. — Т. 1. № 3(17). — С. 73-78. — ISSN 2073-0862.

<sup>4</sup> Исламская финансовая система: современное состояние и перспективные развития. — М: ИЭПП, 2009. — 88 p. — ISBN 978-5-93255-268-1.

<sup>5</sup> Исламский банкинг: ответ времени. Банковские обзоры. Дата обращения 23 мая 2020.

<sup>6</sup> Исламская экономическая модель: концептуальные и теоретические основы (рус.) // Вестник РИУ. Серия Экономика. Управление. Правовое. — 2013. — № 15(116). — С. 251-263. — ISSN 2073-6304.

<sup>7</sup> *Дан Илтифотин то Ўзбекистон Республикаси (PDF)*. Kazakhstan. Archived from the original (PDF) on 7 August 2015. Retrieved 2 October 2017.

О'quv ishlari bo'yicha mudir o'rinbosari tomonidan ruxsat etilgan  
bitiruv malakaviy ishlari quyidagi hujjatlar bilan birga topshiriladi:

1. Bitiruv malakaviy ishining qo'lyozma va electron variantlari.
2. Ilmiy rahbarning xulosasi.
3. Taqriz.
4. Bitiruv malakaviy ishining slaydlar asosidagi electron prezentatsiyasi.
5. Bitiruv malakaviy ishining annotatsiyasi va buklet.

ЎРГА МАХСУС БИЛИМ ЮРТИ  
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ

БАЖАРИШ БЎЙИЧА

УСТУВНИЙ КЎРСАТМА

Мухаррир:

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ

Техник мухаррир:

Фарход ИБРАДУЛЛАЕВ

Сахифаловчи дизайнер:

Акбар БОБОЖОНОВ

Босмахонага берилди: 7.07.2020 й.

Босишга рухсат килинди: 9.07.2020 й.

Бичими 60x84 1/16

Хажми: 1,75 б/т

Адади: 100

Буюртма: 26

Бахоси келишилган нархда

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

ЎЎҚУВЧИЛАРГА ТУЎҚУВ

“Куванчбек-Машхура” МЧЖ нашриёти

E-mail: [quvanchbek\\_mashxura@mail.ru](mailto:quvanchbek_mashxura@mail.ru)

Тел: 223-11-88, 223-16-49

“Куванчбек-Машхура” МЧЖ

босмахонасида босилди.

Урганч шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 106-уй.

[www.xoqazmprint.uz](http://www.xoqazmprint.uz)



